Қаламча диаметри ва экиш схемаси бўича экилган олтинсимон қорағат қаламчаларини кўкарувчанлиги

Ибрагимов Бобир Тохирович - Бухоро илмий-тажриба станцияси агрономи

ORCID: 0009-0002-9988-9040

Аннотация. Мазкур мақолада олтинсимон қорақат кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметрининг кўкариш даражасига таъсири ўрганилди. Тадқиқот давомида турли экиш схемалари (60×10 см, 60×15 см, 70×10 см ва 70×15 см) ҳамда қаламча диаметрлари (3–4 мм, 5–6 мм, 7–8 мм ва 9–10 мм) бўйича тажрибалар ўтказилди. Уч йиллик кузатув натижаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 70×10 см экиш схемасида ҳамда 5–6 мм диаметрли қаламчалардан фойдаланилганда қайд этилди.

Калит сўзлар: Олтинсимон қорақат, кўчат етиштириш, қаламча диаметри, экиш схемаси, кўкариш даражаси, илдизланиш, агротехника, кўпайтириш технологияси.

Аннотация. В данной статье изучено влияние схемы посадки и диаметра черенков на укореняемость саженцев смородины золотистой при её размножении. В ходе исследования были проведены эксперименты по различным схемам посадки (60×10 см, 60×15 см, 70×10 см и 70×15 см) и диаметрам черенков (3-4 мм, 5-6 мм, 7-8 мм и 9-10 мм). По результатам трёхлетних наблюдений наивысший показатель был зафиксирован при схеме посадки 70×10 см и использовании черенков диаметром 5-6 мм.

Ключевые слова: Золотистая смородина, выращивание саженцев, диаметр черенка, схема посадки, приживаемость, укоренение, агротехника, технология размножения.

Abstract. This article examines the influence of planting patterns and cutting diameter on the rooting ability of golden currant (Ribes aureum) cuttings during propagation. Experiments were conducted using various planting patterns (60×10 cm, 60×15 cm, 70×10 cm, and 70×15 cm) and cutting diameters (3-4 mm, 5-6 mm, 7-8 mm, and 9-10 mm). Based on three years of observation, the highest rooting rate was recorded with a 70×10 cm planting pattern and cuttings 5-6 mm in diameter.

Keywords: golden currant, sapling cultivation, cutting diameter, planting scheme, survival rate, rooting, agricultural techniques, propagation technology.

Кириш. Олтинсимон қорағат ўсимликлар ичида юқори озиқавий қиймати, доривор хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қорағат навларининг Бухоро тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги ва юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли уни кўпайтириш технологияларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Материаллар ва услублар. Олтинсимон қорағат кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметри муҳим омиллар ҳисобланади. Чунки бу икки омиллар нафақат кўкариш даражасига, балки келгусида кўчатларнинг сифатли ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Тажриба натижалари ҳам ушбу омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни яққол намоён қилди.

Тажрибамиз натижасига кўра, қаламчаларни диаметри ва экиш схемасида кўкарувчанлиги 70х10 см назоратда қаламчалар диаметри 7-8 мм да экилган қаламчалар сони 100 дона қаламчаларни ўртача кўкариш кўрсаткичилари йиллар кесмида турлича аниқланди. Булар (2023 й) 59,5 % да (2024 й) 65,7 % да (2025 й) 69,8 % гача аниқланиб, уч йиллик ўртача натижа 65,0% ташкил этди. 60х10 см экиш схемасида қаламчалар зич жойлаштирилгани сабабли ўсимликларнинг ўзаро рақобати кучайди. Натижада қаламчаларнинг кўкариш даражаси нисбатан

паст бўлди. Энг нозик қалинликдаги (3–4 мм) вариант натижасига кўра (2023 й) 48,5 % да (2024 й) 53,6 % да (2025 й) 56,9 % гача аниқланиб, уч йиллик ўртача қаламчаларда ўртача 53,0 % кўкариш кузатилди. Бироз қалинроқ (5–6 мм) қаламчаларда (2023 й) 64,5 % да (2024 й) 71,3 % да (2025 й) 75,7 % гача бу кўрсаткич 70,5 % гача ошди ва ўртача қалинлигда (7–8 мм) қаламчаларда (2023 й) 50,4 % да (2024 й) 59,2 % да (2025 й) кўрсаткич 55,1 % гача ошди. Лекин энг қалин (9–10 мм) қаламчаларда кўкариш (2023 й) 50,2 % да (2024 й) 55,5% да (2025 й) 59,0 % ўртача кўрсаткич даражаси 54,9 % атрофида қайд этилди. Демак, зич экишда диаметри катта бўлган қаламчалар илдизланишга қийинлик билан мослашади ва натижа пасаяди.

Натижалар ва мунозара. Тажрибага кўра, 60x15 см экиш схемасида ўсимликларнинг озиқланиш майдони кенгроқ бўлгани сабабли кўкариш даражалари яхшироқ натижа берди. 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда ўртача 57,8 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 79,9 %, 7–8 мм диаметрдагиларда эса 64,9 % кўрсаткичга эришилди. Энг катта 9–10 мм диаметрдаги қаламчаларда ҳам 60,6 % натижа қайд этилди**.**

70x10 см схема тажрибада энг юқори кўрсаткичларни берди. Бу схема қаламчаларнинг жойлашиши жиҳатидан оптимал бўлгани учун уларнинг ўзаро рақобати меъёрида кечди. Натижада 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда ўртача 67,3 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 84,8 %, ва 9–10 мм диаметрдагиларда эса 54,3 % кўкариш қайд этилди. Кўриниб турибдики, айнан ушбу схема қаламчалар илдизланиши ва яшовчанлигини энг юқори даражада таъминлади.

70x15 см экиш схемасида натижалар назорат вариантига яқин бўлса-да, бироз пастроқ кўрсаткичлар қайд этилди. Масалан, 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда 68,3 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 77,4 %, 7–8 мм диаметрдагиларда 63,6 %, 9–10 мм диаметрдагиларда эса 58,4 % кўрсаткич кузатилди. Бу ҳолат кўчатлар жуда сийрак жойлаштирилганида ҳам ўзига хос

ноқулайликлар юзага келишини кўрсатади. Умумий таҳлил шуни кўрсатдики, олтинсимон қорағат кўчатлари учун энг мақбул натижалар 70x10 см экиш схемасида ва айниқса 5–6 мм диаметрдаги қаламчалардан фойдаланилганда кузатилди. Жуда зич экишда қаламчалар ўзаро рақобат туфайли суст ривожланади, жуда сийрак экишда эса тупроқ намлиги ва озиқланишнинг оптимал мувозанати бузилади. Шу боис, кўчат етиштиришда экиш схемасини ва қаламча диаметрини тўғри танлаш юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Олтинсимон қорағат қаламчаларини қалинлиги ва турли экиш схемаларининг кўкаришига таъсири, % (2023–2025 йй.)

№	Экиш схемаси, см	Қаламчалар қалинлиги, мм	Экилган қаламчалар сони, дона	Қаламчаларни ўртача кўкариш кўрсаткичи, фоизда			
				2023 й	2024 й	2025 й	ўртача
1	70x10 (назорат)	7-8	100	59,5	65,7	69,8	65,0
2	60x10	3-4	100	48,5	53,6	56,9	53,0
		5-6	100	64,5	71,3	75,7	70,5
		7-8	100	50,4	55,7	59,2	55,1
		9-10	100	50,2	55,5	59,0	54,9
3	60x15	3-4	100	52,8	58,4	62,0	57,8
		5-6	100	73,1	80,7	85,8	79,9
		7-8	100	59,4	65,6	69,7	64,9
		9-10	100	55,5	61,3	65,1	60,6
4	70x10	3-4	100	61,6	68,1	72,3	67,3
		5-6	100	77,6	85,7	91,1	84,8

		9-10	100	49,7	54,9	58,4	54,3
5	70x15	3-4	100	62,5	69,1	73,4	68,3
		5-6	100	70,9	78,3	83,2	77,4
		7-8	100	58,2	64,3	68,3	63,6
		9-10	100	53,4	59,1	62,7	58,4
ЭКФ05=				*1,59*	*1,8*	*1,01*	*0,91*
ЭКФ%=				*2,7*	*2,7*	*1,5*	*1,4*

Хулоса. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида олтинсимон қорақат қаламчаларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметри муҳим агротехник омиллар эканлиги аниқланди. Тажриба натижаларига кўра, энг юқори кўкариш даражаси 70×10 см экиш схемасида ва 5–6 мм диаметрли қаламчалардан фойдаланилганда қайд этилди. Жуда зич экиш натижасида ўсимликлар ўртасида кучли рақобат юзага келиб, кўкариш даражаси пасаяди. Аксинча, жуда сийрак экишда эса тупроқ намлиги ва озиқланиш мувозанати бузилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Калинин Ф.Л., Мережинский Ю.Г. Регуляторы роста растений: биохимия, механизм действия и применение. – Киев: «Наукова думка», 2012. – 115 с.
2. Суховецкая В.А., Кыстаубаева А.С. Перспективные сорта черной смородины и способы их размножения // Восточно-Казахстанский НИИ сельского хозяйства (Усть-Каменогорск), Казахстан. – 2015. –С 154-156.
3. Скалий Л., Самощенков Е.Г. Размножение растений зелёными черенками. — Москва: Издательство МСХА, 2002. — 115 с.
4. Тимушева О.К., Зайнуллина К.С. Влияние регуляторов роста на укоренение зеленых черенков сортов смородины черной при выращивании

// Плодоводство и ягодоводство России. 2011. Т. 28, № 2. С. 257–264.

5. Юрина Л.В. Садовые новинки / М.: ООО «Издательство Астрель» –2002. – 272 с.